



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHEROBOD TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

191400, Sherobod tumani, Navoiy ko'chasi, 22-uy, tel:0(376)3222621, fax: 0(376)3221033. sherabod@exat.uz

2021 -yil "01" sentabr

5-3 -son

Sherobod t.

**Тумандаги аҳоли пунктлари
кўчалари ва хўжаликлараро
кишлоқ автомобиль йўлларида
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман “Йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Махмадияров, туман “Йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси (Н.Абдулахатов), туман ободонлаштириш бошқармаси (Ж.Расулов) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги йўллари саклаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсинлар.

3. Мазкур қарор “Шеробод ҳаёти” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Н.Махмадияров, туман ободонлаштириш бошқармаси (Ж.Расулов) ва функционал вазифаларига кўра йўл соҳасига, тартиб ижросига масъул бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

З.Давлатов